

## Солиҳ фарзанд-жамият кўрки

Ҳар бир фарзанднинг иймон-этиқодли, садоқатли, итоатли бўлиши ота-она учун қувонарли ҳолатдир. Чунки, айнан шу гўзал хислатларни фарзандларида кўриш ҳар бир ота-онанинг орзусидир. Шундай фарзандларгина ота-оналари, элу юртларини ишончини оқлай оладилар. Ҳар бир фарзанднинг солиҳ, итоатли бўлиб ўсишида ота-онанинг ўрни муҳимдир. Чунки, гўдак дунёни таний бошлаган илк кунлариданоқ у аввал шу икки инсонни кўриб, ўса бошлайди. Улардан кўрадиган барча нарсаларни тошга ўйилган нақш сингари ўзига сингдира бошлайди. Ота-онадан оилада содир этиладиган яхши ёки ёмон хулқлар боланинг феълида ҳам шакллана бошлайди. Биз қанча хоҳласак шунча фарзандларимизга ваъзу-насиҳат қилайлик бари-бир улар айтганимизга эмас, кўпроқ ҳатти-ҳаракатларимизга тақлид қилишади. Шунинг учун чиройли намуна бўлишимиз керак. Биз уйимизда бўлган вақтда эътиборга олмай, оддий нарса деб биладиган баъзи бир майда ҳатти ҳаракатларимиз ҳам фарзандларимиз тарбияси учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Мисол учун, телевизордан кўрадиган фильм ёки кўрсатувларимиз, тинглайдиган мусикамиз шулар жумласидандир. Болаларнинг ёнида ишқ-муҳаббатга доир фильмларни бемалол кўриб ўтириш, видео-клиплардаги ҳали оила қурмай туриб йигит билан қизнинг ўта яқин муносабатларини аск эттирадиган ҳолатларнинг гувоҳи бўлиш, ёки ҳали ота-онанинг хабари йўқ, лекин қиз бир йигитга турмушга чиқишни, бир умр бирга бўлишни ваъда бериб, отаси совчиларга жавобини берганидан кейин йиғи-сиғилар маъносидаги нарсалар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Юқоридаги иллатлар ёшлигидан илмга интилиш, ота-онага эҳтиром, ватанга муҳаббат каби туйғулар билан ўсиши керак бўлган болада бу туйғуларнинг шаклланишига тўсқинлик қилади. Фарзандда ёшлигидан шаҳватпарастлик, худбинлик каби хунук иллатларни шаклланишига туртки бўлади.

Фарзандимизнинг кўлидан олиб кўча-кўйда ёки хиёбонларда юрганимизда, ҳатто ерда ётган тош ёки қоғозни олиб, махсус ахлат ташлайдиган қутига ташлаш ҳам фарзанд тарбияси учун аҳамиятсиз эмас. Ёки шаҳар кўчаларида фарзандларимиз билан юрганимизда, “фарзандим, бу гўзал манзил – сенинг киндик қонинг тўкилган она диёрингдир”, деб айтган бир оғиз сўзимиз оддий сўз эмас, балки фарзандимизда ватанга бўлган муҳаббатни уйғотадиган сўздир. Доно халқимиз орасида, “от изини – той

босар” деган нақл кенг тарқалган. Бу нақл ота ва онадаги хислатлар фарзандга ҳам ўтишига ишоратдир.

Биз баъзида улуғ инсонларнинг гўзал хулқини, ҳикматли сўзларини эшитганимизда таъсирланиб кетамиз, хаттоки кўзларимизга ёшлар оламиз. Уларнинг ҳаётлари билан танишганимизда ота-оналарининг парҳезкор, ихлосли, илм соҳиблари эканликларининг гувоҳи бўламиз. Чунки, шу гўзал хислатларга эга кишиларгина фарзанд тарбиясига жиддий киришиб, уни ўта масъулиятли иш эканини яхшироқ ҳис этишади десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Хусусан ҳозирги глобаллашув даврида, ахборотлар алмашинуви жадал ривож топаётган пайтда, бу масъулият янада ортиб боради. Интернет ривожланган бир даврда турган эканмиз фарзандларимизга бу имкониятлардан фойдаланиш билан бир қаторда уни назорати бизнинг хар кунлик вазифамизга айланиши шарт. Фарзандларимизни турли хил пуч гоюларнинг қурбони бўлишидан асрашимиз керак.

Зотан турли хил сохта ақидалардан ёшларимизни асраш, ахлоқий ва маънавий камол топтириш учун жидду-жаҳд қилиш бугунги кунда барча ота-оналарнинг долзарб вазифаси саналади. Шунинг учун илм эгалари, “эътиқод соғлиги-халқ бойлиги, ақида тўғрилиги эса-халқ тинчлигидир”, дейишган.

Бола улғайиб, яхши-ёмонни фарқлай бошлагач, унга имон тушунчаларини, Ватанга муҳаббат, катталарни ҳурмат қилиш, мақтанчоқлик, манманликдан узоқ бўлиш, бошқаларга паст назар билан қарамаслик кабиларни ақлига сингдириб бормоқ зарур.

Шунингдек, овқатланиш одобини ўргатиш ҳам тарбиянинг муҳим жиҳатларидан биридир. Масалан, болани таомга катталардан олдин кўл чўзмай, ўнг кўли билан ўз олдидан олиб, шошмасдан чайнаб ейишга ва исрофчиликка, қимматбаҳо кийимлар олиб кийинишга эмас, балки оддийлик, саранжом-саришталикка одатлантириш лозим. Болани тарбиялашда ота бироз қаттиқкўл бўлгани яхши.

Фарзанд тарбияси фақат оиланинг, ота-онанинг вазифасигина эмас, балки мактаб, қўни-қўшни, маҳалла, қолаверса, жамият бурчларидан биридир. “Бир болага етти қўшни ота-она” деб бежиз айтилмаган. Ҳаким Бузургмеҳрдан: “Дунёда энг ширин нарса нима?” деб сўрашибди. “Итоатли фарзанд” деб жавоб берибди донишманд. “Дунёда энг аччиқ нарса нима?” деб яна сўрашибди. “Дунёда энг аччиқ нарса ноқобил фарзанд” дея жавоб берибди у. Бузургмеҳрдан яна “Ноқобил фарзанд нимага ўхшайди?” деб сўраганида,

“Ноқобил фарзанд ортиқча бармоққа ўхшайди. Кессанг оғрийди, қўйиб қўйсанг – айб ҳисобланади” деган экан. Демак, фарзандларимизни оиласига, жамиятга фойдали инсон қилиб тарбиялашимиз лозим. Бўш вақтларида ўзлари қизиққан яхши санъат, спорт турлари билан шуғулланишларига шароит яратсак, уларни ҳар хил зарарлардан ва ёт оқимлар тузоғига илинишларидан ҳимоялаган бўламиз.